

БАЙРАМИМИЗ КҮТЛҮГ БҮЛСИН!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

18-ИЙЛ ЧИҚИШИ.

№ 88 (4294).

1

МАЙ

ШАНБА

1971 ИЙЛ

Баҳоси 2 тийин.



АССАЛОМ, 1 МАЙ

Ассалом, бахт ва баҳор байрами! Ассалом, нисонлар қатбига шуур ва қувонч бахшида этгувчи улуг айём! Ассалом, жаҳон афкор оммасининг бирдамлик куни — 1 май!

Бугун минг-минг чирой очган элнингизда, меҳнат ва ижод чашмаси жўш урган дилларинизга Май ташриф буюрди. Бугун она-Ватанимизда катта тўй, маърака. Бугун ер кураеси бўйлаб тинчлик, яратувчилик ва бунёдкорлик байрами кенг қанот ёймоқда.

Бугун гўзал шаҳарларимиз, сўлим қишлоқларимиз ўзгача ҳусн-латофат оғушида. Саҳий табият ҳам ўзгача жипода. Фасллар келинчаги — гулбаҳор борлиққа ўзгача чирой бағишлаган. Бог-роғлар, навиҳоллар, турфа гуллар ўзгача товланади. «Йил квадрат»лар барқ урган даладарда, қўй-қўзилар ўйнаётган юртан қир-адирларда ўзгача фойза, ўзгача сеҳр. Олийҳиммат, ғалабадор, меҳнатсевар совет кишиларининг қалби қувонқ ҳис-ҳаяжонга лижмо-лим тўлган.

Турпои олтин, суви бол, бағри жавоҳирларга тўлиб бўлмиш республикамиз бугунги кунга яна ҳам гўзаллашиб, яна ҳам безатиб келди. Шу кеча-кўнунда баҳор ўлкаси — жонажон Ўзбекистонимиз бўйлаб меҳнат симфонияси баралла янграмоқда. Завод ва фабрикаларда, улкан қурилиш майдонларида, мўл ҳосил вада қилаётган даладаримизда, мисли жаннат бог-роғларини фермаларимизда — ҳамма-ҳамма жойда қайноқ меҳнат қўшини бугун тантанавор жаранглаб, дилларга хушур-ҳаловат, ишларга ривож бермоқда.

Бу йилги Май байрами ўзгача бир вазиятда нишонланмоқда. Яқиндагина азиз Коммунистик партияимизнинг XXIV съезди ўз иштини тамомлади. Бутун совет халқи қатори республикамиз, жумладан, област-кияз меҳнаткашлари ҳам съезд қарорларини гўяда эъриб сийёси ва меҳнат кўтаринчилиги билан кутиб олдилар. Съезд қарорларидан руҳланган ҳар бир совет кишиши шу кеча-кўнунда бир гайратига ўн

гайрат қўшиб тер тўкмоқда, бутун куч ва шижоатини КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этишга, тўққизинчи беш йиллик план топириқларини муваффақиятли бажаришга сарфламоқда.

Доҳиймиз Владимир Ильич орузлари амалга ошган қудратли ва буюк Советлар мамлакатини буйлаб мана шу дақиқаларда 1 Май намоийини одим ташламоқда. Она-Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга муносиб ҳисса қўшаётган мардонавор совет кишилари 1 Майни халқ хўжалигининг барча соҳаларида юксак қўрсаткичларга эришган ҳолда, партияимиз съезди бўлиб ўтган йилда янгича гайрат-шижоатга, янгича иқидий кучга тўлиб-тошган ҳолда кутиб олдилар. Жойлардан жуда кўплаб келаётган ғалаба рапортлари бунинг исботидир.

Меҳнат коллективлари, ижодий ташкилотлар, маданий-маиший муассасалар бу зуборак кунга муносиб тўёнлар тайёрладилар.

Коммунизм қурилишининг ҳар жаҳасида бундай улкан ютуқларга эришаётганлигининг бониси давримизнинг ақли-идроки, шон-шарафи бўлиши ленинчи Коммунистик партияимизнинг доно раҳбарлиги, йўлбошчилиги туфайлидир. Қадрдон Владимир Ильич васиятларига оғишмай амал қилиб келаётганлигини туфайлидир. Совет Иттифоқининг тинчлик ва халқлар дўстлиги асосига қурилган, империализмга, реакция ва урушга қарши ленинча ташқи сиёсатининг баркамоллиги туфайлидир.

Партияимиз XXIV съезди қарорларидан илҳомланган, янги беш йиллик режаларидан зағ-шаққа тўлган совет кишилари сановатда, қишлоқ хўжалигида ва халқ хўжалигининг барча соҳаларида ҳам улкан зафарлар қўшишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар жонажон партияимизнинг улкан аёлуларини белгиллаб берган вазифаларини тўла-тўқис амалга ошириш ҳар биринининг муқаллас бурчимиздир, демоқдалар. Шу

сабабдан ҳам соат сайини, кун сайини ютуқларимизга ютуқлар, ғалабаларимизга ғалабалар қўшиб бормоқда. Шонли ишчилар синфи, қолхозчи-деҳқонларимиз, ижодкор зиёлиларимиз 1 Майга аризуғулик меҳнат тўхталари билан келдилар.

Пойтахт областимиз ва Тошкент шаҳар саноат ходимлари КПСС XXIV съезди шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажара бориб, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми ва қўпгина муҳим маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича биринчи квартал планини орттири билан бажардилар. Қўпгина илгोर корхоналар, юзлаб меҳнат зарбдорлари май ойи ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Зарунос давлатларимиз ҳам янги-янги марраларини кўзлаб даладарда жавлон урмоқдалар. Улар майдонди социалистик мусобақасига қўшилиб обда бўйича чигит экиш планини барвақт тамомладилар. Айни кунларда дала меҳнатчиларининг чигитларини текис ун-дириб олиш, тўла тектарлар ҳосил қилиш учун курашмоқдалар. Улар бу йил она-Ватанга 400 миң тонна «оқ олтин» етказиб беришга аҳд қилганлар.

Ана шу қалби саҳий кишиларимиз бахтиёр ҳаёт кечириб, меҳнат қилаётган ажиб дёвримизда бутун байрам тантаналари, Май наму-наволари, Табаррук отахонларимиз, нуруний онахонларимиз, жадиди бола-жонларимиз ҳақларидан тўлган табассум, Тонг шабадасида мавзур хилпирайётган олабйорлар товланишда, Тошкент ҳуснига-хуси қўшиб юборган осмонлар бинолар саллатида, Ленин майдони томон оқиб бораётган намоийшлар колонналарида байрам табассуви, Май нафаси. Қўз камаштиргучи полотноларда, қалоқ қўллардаги транспарантларда, колонналар маршида, жанговар қақирқларда Май мазмуни, Май руҳи, Му-саффо, беғубор тинчлик осмони узра чарх ураётган шўхчан ашула ва қўшиқларда, рапторанг мусикаларда Май мазмуни, Май жилваси.

«Биз, коммунистлар олға бораверамиз. Биз қўпроқ натижа-ларга эриша берамиз. Олдимизда турган ва бундан буён ҳам ўз олдимизда турадиган вазифалар ҳар қанча оғир бўлган ҳам, бу вазифаларни ҳат этамиз. Ленин орзу қилган дувё барпо этилади!» деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев.

1 Майни совет кишилари, бошқа Социалистик мамлакатлар халқлари билан бир қаторда эксплуатация ва зулмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун кураш олиб бораётган капитал мамлакатларидаги меҳнаткашлар ҳам байрам қилдилар. Шу босқан бугунги тантанавор кунда совет халқи АҚШ ва унинг тумаштала-рига қарши адолатли кураш олиб бораётган Хинди-Хитой халқларига, ҳақ иш учун жон фидо қилаётган араб мамлакатларидаги дўстларига, жаҳондаги барча тинчликсевар халқларга салими, оташин салоамлар йўлламоқдалар.

Коммунистик партия атрофи-га маҳкам жипслашган, тинчлик, халқлар дўстлиги ва интернационализм аъзаларига солиқ бўлиб келаётган, КПСС XXIV съезди белгиллаб берган улдувгор коммунистик қурилиш программасини амалга оширишда Ленин йўлидан қатъият билан олға бораётган, келажакка зўр умид бағишлаган, иқтисод, фан, техника ва маданиятни ривожлантиришда юксак чўққиларга эришаётган совет халқига шон-шарафлар бўлсин! Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳнамолигида коммунизм чўққиларини қомил-ишон билан забот этаётган улду халқимизга ҳаминша зафарлар ёр бўлсин!

Яшасин ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг жапон-авангарди, коммунизм учун курашда совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик куни!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари, олға!

КОСМОС ТАДҚИҚОТЧИЛАРИ ШАРАФИГА КАТТА КРЕМЛЬ САРОЙИДА ҚАБУЛ МАРОСИМИ

30 апрелда Москва Кремли қонотга йўл очган кишиларини ўн биринчи марта кутиб олди. «Союз-10» космик кемасининг орбитал парвозини амалга ошириш таъминлаган олимлар, конструкторлар, инженерлар, техниклар ва ишчилар шарафига, космонавтлардан В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ва Н. Н. Рукавишников шарафига КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР ҳукумати промдан қабул маросими ўтказилди.

«Союз-10»нинг парвози «Салют» орбитал илмий станциясидан илмий-техника экспериментлари ва тадқиқотларини бошлаб юборишга асос қўйди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Болгария Коммунистик партиясининг X съезидида сузлаган нутқида бу ишнинг аҳамиятини таъкидлаб, 19 апрелда космосда бошланган эксперимент космоси тадқиқ этиш ва ўзлаштиришда янги қатта қадам бўлибгина қолмай, балки бутун инсоният учун муҳим бўлган ана шу ишда олға қараб қилинган ҳаракатининг гоат муҳим босқичи ҳам бўлиди, деган эди.

Совет космонавтига эришган янги муваффақиятларидан ҳаммининг шодлига тўқинлаётганлиги, фахрланаётганлиги Георгий ақлида ўтирган ҳар бир кишининг чеҳрасидан сезилиб турарди.

Кўнунда соат тўрт. Бу ерда ҳазир бўлган кишилар Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мауоров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслев, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андронов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусев, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқларини гулдурас қарсақлар билан кутиб оладилар.

Глинканинг «Шарафлаймиз» деган тантанали куйи жаранглайди. В. А. Шаталов, А. С. Елисеев ва Н. Н. Рукавишников зағда қариб келишади. Хор ва симфоник оркестрининг қудратли садоари гулдурас қарсақларга жўр бўлиб кетади.

Космос экипажи Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарлари хузурига келишади. Сукут ичида рапортнинг ҳар бир сўзи аниқ эшитилиб туради. Кема командири В. А. Шаталов Ватан тўпширини бажаришда, космонавтлар янги топшириқларини бажаришда тайёрдилар, дейди.

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний, А. Н. Косигин ўртоқлар «Союз-10» космик кемасининг командири ва унинг ўртоқлари билан қуқоқлашиб кўришадилар.

улarga янгида янги муваффақиятлар тилайдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоллигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари «Союз-10» космик кемаси экипажи аъзолари билан салими кўришиб чиқадилар. Залда устма-уст гулдурас қарсақлар бошланади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний табрик нутқи сузлайди.

Ўртоқ Н. В. Подгорний ҳаммининг гулдурас қарсақлари остида космонавтларга юксак муқофотларни икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. А. Шаталовга Ленин ордени, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. С. Елисеевга Ленин ордени, Н. Н. Рукавишниковга Ленин ордени, Совет Иттифоқи Қаҳрамони «Олтин Юлдуз» медали ва кўкракка тақдирлаган «СССР космонавт учувчиси» нишонини топширади.

Кремлдаги учрашув совет космонавтикасининг катта байрами бўлди.

Б. ЛУКЬЯНОВ,
Л. МАРКЕЛОВА.
(ТАСС махсус мухбирлари).

КОММУНИСТЛАР БИЛАН ПАРТИЯ-СИЗЛАРНИНГ БУЗИЛМАС БЛОКИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари сайлов олди йиғилишига тўпланишди.

Моторист тикувчи К. Инез-муҳамедова КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Михаил Андреевич Суслонин 4-марказий сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатди.

Фирма директорининг ўринбосари В. И. Копейкин бу тақлифни маъқуллаб, корхонанинг энг яхши моторист тикувчиси, коммунистик меҳнат зарбдори, комсомол аъзоси Хуригно Хусановна Юсуповани шу округдан республика давлат ҳокимиятининг олий органи депу-

талигига номзод қилиб кўрсатишни тавсия этди.

Йиғилишнинг ҳамма қатнашчилари М. А. Суслон билан Х. Х. Юсупова номзодини қўлаб қувватладилар.

«Ташкентабель» заводда ўтказилган сайлов олди йиғилишида сузга чиққан коммунистик меҳнат зарбдори А. И. Шишанов КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шароф Рашидович Рашидовни

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишни тақдир этди.

Ишчи Т. Махмудов бу тақлифни маъқуллаб паротаж келса ишчи Александр Михайлович Дергачевни депутатликка номзод қилиб кўрсатди.

Йиғилиш қатнашчилари Ш. Рашидов билан А. М. Дергачевни 8-Куйбишев сайлов округидан Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатиш тўғрисида бир овоздан қарор қабул қилдилар.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ТЎҒРИСИДА ЛЕКЦИЯЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети хузурида ташкил этилган республика партия актив мактабига КПСС XXIV съездининг иш якулига бағишланган лекциялар ўқида бошланди.

30 апрелда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов

«Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг тарихий аҳамияти» деган мавзуда лекция ўқиди.

КПСС XXIV съездида бағишланган бундан буёнги машғулотлар программаси август ойига муалжалланган.

(ЎЗАТ).

ТИНЧЛИК ВА ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ТАЯНЧИ—СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАЛАРИ ИТТИФОҚИ ЯШАСИН ВА МУСТАҲКАМЛАНАВЕРСИН!

ЯШАСИН АБАДИЙ
БАРҲАЁТ ИНТЕР-
НАЦИОНАЛ ТАЪ-
ЛИМОТ, ИМПЕРИА-
ЛИЗМГА ҚАРШИ,
СОЦИАЛИЗМ ВА
КОММУНИЗМ ҒА-
ЛАБАСИ ЙУЛИДАГИ
КУРАШДА БАРЧА
МАМЛАКАТЛАР
МЕХНАТКАШЛАРИ-
НИНГ БАЙРОҒИ-
МАРКСИЗМ-
ЛЕНИНИЗМ!

ТИНЧЛИК, МЕХНАТ

БАҲОРИМ

Ҳамид ҒУЛОМ.

Баҳор, баҳор!.. Мунча зебосан!
Латофатинг таърифига сизмас,
Нур сийриган тола ҳавосан,
Туйиб-туйиб оламан нафас.
Ариқларда суқлар шарқирай
Яйловларда қишлагандай той.
Алвонранг тонг тиниқ ярқирай
Куррамизга таратиб чирой.
Гул-доғда кўмилар олам,
Болакайлар яйрай қудунай.
Маржон-маржон ғилослар қўрқам,
Ва саватлар тўла қудунай.
Дўстга роз айтган дил каби
Бу тонг очик ҳар уй эшиги,
Одам зоти бир бузғун каби

Кўйлар ишқ ва дўстлик қўшиғи.
Мендан сўрайдилар дўстларим:
Мунча қувонасан баҳорга?
Ошиқлардай ёнар кўзларинг,
Ишонч билан боққандай ёрга?
Қувонаман, чунки заҳматим
Ва меҳрим бор бу саодатда.
Баҳоримни севдим, сақладим
Евлар хуруж қилган соатда.
Ҳиссам бордир унда менинг ҳам
Богларим — экин дарахтим,
Чўлларим — қайнаган пахта,
Заводларим, қонларим, пахта,
Бу ҳаммаси — меҳнатим, бахтим!
Ҳа, ошиқман, боққандай ёрга

Ишонч билан боқаман — бу рост.
Ўзим сайқат берган баҳорга
Бир умрга қўйганман ихлос.
Бир нақдир муҳаббатимдан
Ундаги кўрк, энё, оройиш,
Бир нақдир эрк шавкатимдан
Шаҳрим бўлаб ўтган намоёниш.
Байроқларнинг алвонига мен
Учқун бўлиб қўшилиб кетгум.
Ўшқин бўлиб қўшилиб кетгум.
Шу эзгу тонг, эзгу дақиқа
Жаҳон бўлаб ниграр «Урра!» миз,
Такрор аён бўлар ҳақиқат:
Елкамизда турар куррамиз!
Шу меҳнаткаш, голиб ва танги,
Неваралар минган елкада.
Қаранг, байрам гурлаб борипти
Биз баҳордай севган ўлкада!

* *
ГҮЛЛАР, сўлим хиёбонар

Ўлкаси — Тошкент кун сайин
чирой очиб, гўзаллашиб бор-
моқда. Осмонлар турар-жой
бинолари, маданий-маиший
муассасалар, равон кўчалар
бугун янада улутвор, янада
жозибали байрам либосида.
Суратда: Саъбат саройи ва уг-
га туташ хиёбон акс эттирил-
ган.

А. Тўраев фотоси.

АРМУҒОН

Меҳнаткашларнинг халқаро
бирдамлик кунин 1-Май байра-
ми шарафига бошланган соци-
алистик мусобадада фаол ишти-
рок этган Тошкентдаги илғим-
йигирив фабрикасининг ахди
коллектив катта ғалабага
эришди.

Чеварлар тўрт ой мобайлида
573 минг сўм урнига 578 минг
сўмлик маҳсулот ишлаб чиқар-
дилар. Апрель ойи топириги
элибдаси билан адо этилиб,
планига қўшимча равишда 40
минг сўмлик маҳсулот тайёр-
ланди.

Меҳнатсевар коллектив
эришилган меҳнат зафарлари-
ни янада мустаҳкамлаш, туқ-
қизинчи беш йилликнинг би-
ринчи йили план топиригини
барвақт уддалаш учун астой-
дил ҳаракат қилмоқда.

БУНЁДКОРЛАР

Пойтахтнинг «Қорақамш»
массиви кун сайин кенгайиб
бормоқда. Қурувчилар кўп-
турар-жой биноларини фойдала-
нишга топширишмоқда. Ши-
нам, барча қулайликларга эга
бўлган уйларда ҳамшаҳарлари-
миз ҳовли тўйларини ўтказиш-
япти. Массивни ободон-
лаштиришга катта эъти-
бор берилмоқда. Бу борада
«Жилстрой» трестига қарашли
механизация бошқармасининг
йўл қурувчилари ибратли иш-
ларни амалга оширишмоқда.

Айниқса, М. Пахомов раҳ-
барлигидаги бригада қурувчи-
лари меҳнатда шижоаткорлик
намуналарини кўрсатишмоқда.
Н. Родионов, Қ. Қаландаров,
Н. Дроздов, К. Қаримов ва
Қ. Розиев каби қурувчилар
кундалик топириқларни 130-
140 процента етказиб адо
этишмоқда.

Х. МАХМУДОВ.

САБЗАВОТКОРЛАР СОВЕАСИ

Далаларда байрам нафаси
кезоқда. Миришкорлар шу
кўтулг айёмда шаҳар меҳнат-
кашлари дастурхонини туқни-
сочин қилиш учун ҳаракат қи-
лаётган.

Қалинин районидаги «Қора-
сув» совхозини сабзавоткорлар
байрам 1-Майга қўйлаб
сабзавот маҳсулотларини етказиб
бериб мамнуриятини олган
эдилар.

Сабзавоткорлар далаларда
ғайрат билан меҳнат қилиб, ар-
таги сабзавот маҳсулотларини
барвақт пишириб етказдилар.
Бир неча гектар майдонда, во-
лаётлислик плёнкалари тағдида
карам, редиска ва бошқа мах-
сулотлар етиштирилди. Улар
байрам дастурхонига 5 тонна
карам, 22 тонна редиска, 11
тоннадан ортқ барра илбз ет-
казиб беришди.

М. МИРҲАМИДОВ.

ТОШКЕНТ ЖАМОЛИ

Бугунги Тошкент... Унинг таъриф-таъсифини
ўрнига қўйишга тил сўзлари оғизлик, дил
ҳарорати камлиб қилади.

Пойтахтимизнинг дўстлик, қардошлик ва
ҳамкорлик байрами арафасидаги кўрн-жамо-
ли файзли, латофатли. Унинг осмонлар имо-
ратлари, баҳор либосига бураниб, қуёш ну-
рида ажиб тобланаётган ям-яшил бог-ҳиёбон-
лари, атрофга хушбўй ҳид таратаётган гул-
зорлари, ленталек чўлиб кетган сон-санов-
сиз кўчалари, янги массивларига бир нигоҳ
ташланг-а! Боқиб тўймайсиз ҳусни-қўрғил!
Бахридиллигиз очилди, қалбингиз қувонч-
ларга тўлади, у билан гурурингиз ортади...

Серуёш республикамиз пойтахтининг қай-
си бир бурчагига борманг, унинг кўринта-
курк қўшиш йўлида қилинган меҳнат ме-
варларига қаранг. Шу меҳнат туғайли у қайта
туғилмоқда, туғилганда ҳам аввалгисидан
минг чандон чиройли бўлиб туғилмоқда. Ша-
ҳар кўчалари, массивлари, хиёбонларини ай-
лансангиз, шу йўлда фидокорлик, қарамон-
лик намуналарини кўрсатган ўзбек ва қардош
халқлар бинокларининг ҳиммати, саҳов-
ати қалбингиздан олаётган раҳматлар, та-
санио айтилсин. Чунки, Тошкентимизнинг бу-
гунги жамолини шу азаматлар ўзларининг қад-
дор кўллари билан яратдилар.

Шуларни заъқ-заъқ билан томоша қилар
экансиз, шаҳримизнинг бундан беш йил ил-
тариги ташвишли қиёфаси кўз олдингизда на-

моён бўлади. Зилзила чапал солган Тошкент
ўзининг минглаб уйларида ажралди, қанча-
дан-қанча аҳолиси бошпанасиз қолди. Лекин,
қўхна ва навқирон шаҳримиз табиатнинг қў-
пол ҳуружига қарин дидил ҳужумга ўтди.
Бу ишда бутун мамлакатимиз, барча қардош
республикалар, юзлаб катта-кичик шаҳарлар
меҳнаткашлари ўзбек халқига мадад қўлини
чўздилар, у билан ёнма-ён, елкама-ёлка турни
жонбозлик кўрсатдилар.

Халқларимиз дўстлик қардошлигининг
қудрати, кучи мана бугун тўла намоён. Қис-
қа муддат ичида пойтахтимизда ер силқини
оқибатларидан асар ҳам қолмади. Пастак,
лой томил уйлар ўрнида кўнқаватли бинолар,
қўрқам уй-жой массивлари, тор кўчалар ўр-
нида кенг равон йўللар пайдо бўлди.

Кейинги беш йил давомида тўрт ярим
миллион квадрат метр уй-жой қурилди. Уи
минглаб оила ҳовли тўйлари ўтказди. Бу
рақамларнинг мағанини қақиб кўриг! Бошпа-
насиз қолган оилаларнинг янги уй қалти-
ларини олишганда қанчалик сенингиларнинг
кўз олдингизга келтирив! Фақат шу йўналишда
қилинган ишлар кўламин низоҳатда улкан эка-
лигини тасаввур қила оласиз. Шуларнинг
ҳаммаси шонли Коммунистик партия, жо-
на-жон Совет ҳукумати, барча совет халқлари
Тошкентни гуллаб-йишатиш, тошкент-
ликлар фаровонлигини ошириш ҳақида қила-
ётган тамхўрликларига тўғайлидир.

Бугунги улғу айём арафасида гўзал пой-
тахтимизни сайр этиб, мафтункор жамоли-
ни ҳавас, ғурур билан томоша қилдинг. Улғу
дохий В. И. Ленин проспекти қайра либ-
осига бурланган меҳнаткашларини байрам би-
лан кўтловчи, янги зафарларга чорловчи
шиорлар ёзилган қизил алвонлар, ол байроқ-
лар баҳор шабадасида ҳилпирайди. Минг-
минглаб ранго-ранг лампочка ажиб жиллола-
нади. Марказий Ленин музейи филиалининг
шаҳримизга ҳол бўлиб тушган, оқ билдурдек
қомат кериб турган муҳташам биноси, ос-
монлар, иморатлар шаҳар марказига гўзал-
лик, салобат бахш этган.

Қарл Маркс, Пушкин, Энгельс кўчалари-
нинг бугунги қиёфаси бундан беш йил аввал-
гисига сира ўхшамайди. Асосан бир қаватли
бинолари бўлган бу кўчаларнинг икки томо-
нида эвдилинда кўнқаватли уйлар, маъмурий
бинолар, қатор-қатор тизилиб кетганли, улар-
ни санб-сановига ега олмайсиз ишди.

Массивларимиз «екса»сиз Чилонзор бугун
каттагина шаҳарнинг худди ўзинаси. Уни
бир бошдан айланб чиқиш учун бир неча
кун ҳам камлиб қилади.

Бу ерда қувончли воқеа устидан чиқиб
қолдик. Янги қўлдан чиқарилган бир неча
кўнқаватли уйлар бўлажак меҳнаткорларни
ўз бағрига олаётган экан. Кўч ортланган ав-
томашиналар бирин-кетин келиб-кетиб турип-
ти. Салкам икки юз хонадонда уй тўйлари

байрам шодибоналарига қўшилиб кетди.
Байрам арафасида Тошкентнинг бошқа
массивларида ҳам кўп-кўп ҳовли тўйлари бў-
либ ўтди. Бинокорларимиз Қорақамш, Висо-
кополь, янги Шимолий-Шарқ массивларида
ҳам юзлаб янги квартиралар қалитин меҳ-
наткашлар қўлига топширилди.

Университет шаҳарчаси Тошкентимиз кўр-
ни ҳисобланади. Биз Ўрта Осиёда энг йирик
бу олий ўқув юртилар маркази, Ўзбекистон
ССР Фанлар Академияси янги шаҳарчаси бил-
ан фахрланамиз.

Байрамолди шодибонаси, бунёдкорлик қў-
вончи ва ижодкорлик нашидаси бир-бирига
уйғунлашиб, пайванд бўлиб кетган Тошкент
баҳор, меҳнат, бахт-саодат, дўстлик айёми —
биринчи майга янада кенгайган, камол топ-
ган, қомат кертган ҳолда келди.

Тинчлик, қардошлик, мардлик, истиқбол
порлоқ, барча қондош-жондош бинокорлар
қайта тиклаган шаҳримиз бугунги байрамга
муносиб меҳнат зафарлари билан келди.
ИПСС XXIV съезди тарихий қарорларидан
беиҳоя руҳланган ҳолда байрамолди вахтаси-
да ишлаган тошкентликлар туққизинчи беш
йилликнинг дастлабки тўрт ойлик саноат мах-
сулотини реализация қилиш планини мудда-
тидан алтари бажардилар. Қўшимча бир не-
ча миллион сўмлик маҳсулот халқ ҳўжалити-
га етказиб берилди.

Тошкент истиқбол янада аjoyиб ва пор-
лоқ. Шаҳарда ҳаммаси бўлиб тўрт миллион
квадрат метрдан ортқ уй-жой майдони қу-
рилади. Кўп-кўп маданий-маиший муассасалар
қад кўтарилди. Ушунда у мамлакатимизнинг
энг гўзал, қўрқам, обод шаҳарларидан бирига
айланади.

М. МИРҲАМИДОВ.

1-МАЙ ТАРИХИДАН

БИРДАМЛИК РАМЗИ

1886 йИЛНИНГ БИРИНЧИ МАЙИ. АҚШнинг йирик
саноат шаҳри Чикаго ишчилари тонг билан кўчага чи-
ққан. Улар ўз талабларини айтиб чиқаришди. Ахвол
огир. Бугунги тонгдан эртага етмайди. Эртага кеч оғир
меҳнат... Бирон, сармоя бир ҳовуш капиталистлар кармо-
нига тушади. Қорни тўғини қорин оқ билан иши бўлар-
миди? Ўй! 8 соатлик иш кунин жорий этилсин! Иш ҳақи
оширилсин!

Ишчиларнинг бу ҳақли талаблари ҳукуматнинг қаттиқ
қаршиллигига учради. Забастовка шайқатсиз бостирилди.
Орадан уч йил ўтди. Европанинг ялғор пролетариати
океан ортдаги ўз дўстларининг ишқоғини унутмаган
эди. II Интернационалнинг Париж Конгресси Чикаго иш-
чилари иш ташлаган кун — 1-Майни барча мамлакат
меҳнаткашларининг халқаро бирдамлиги кунин деб таъна-
на равишда эълон қилди.

Келаси йили Биринчи Май сафлари тобора мустаҳкам-
лашиб бораётган халқаро пролетариат томонидан бирдам-
лик кунин сифатида биринчи бор нишонланди. Дастлаб
Маркс ва Энгельснинг «Коммунистик партия манифести»-
нинг хотимасида жаҳон узри илгирган «Бутун дунё про-
летарлари, бирлашингиз!» шiori ишчилар синфининг
жамогар давлати бўлиб, қурашга чақирди. Англия, Фран-
ция, Россия, Германия, Италия ва Американинг минглаб
ишчилари шу шiori остида намоёнишга чиқибди, иш таш-
лашди.

Тарихдан минглаб ҳужжат китоб, газета-журнал ҳикоя
қилади бизга. Аммо, тарихий фотосуратдан ҳам дуруст-
роқ ҳужжат бориники? Мана, шулардан бири. Унда 1892
йили Лондондаги Биринчи май намоёнишдан бир лавҳа
тасвирланган. Минбарда таниш сиймо — Фридрих Энгельс.
Анча кенсаяиб қолган, аммо қомати ингилтаринкидек
тик, ўзи бардам. Бутун ҳаётини бағишлаган ишнинг уз-
даки самараларини кўрапти у. Ишчилар бирдамлиги —
Маркс билан Энгельс учун бундан ҳам аъло мақсад бўл-
маган. Мана, энди шу бирдамлик тобора кучайиб, чуқур
томир отиб борапти. Афсус, Маркс йўқ бу ерда, ўйлайди
Энгельс, бу бирдамликни кўрса боши кўкка етарди.

(Давоми 3-бетда).



ЕШ ИШЧИЛАР ДАВРАСИДА

ТОШКЕНТДАГИ Октябрь революцияси номли тепловоз-вагон ремонтни заводининг аҳил коллек-
тивин 1-Май байрамини муносиб кутиб олди. Айниқса, (ўнгдан биринчи) В. Востриков бошлиқ ком-
сомол-ёшлар бригадаси юқори меҳнат зафарларига эришилди. Суратда: ялғор бригада аъзолари
меҳнат натижаларидан мамнуи ҳолда ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

В. Моисеев фотоси.

ҚАЛБДАН ТАШАККУР

Кейинги йилларда СоюзНИХИ
территориясида яшовчи аҳоли со-
нининг ўсиши билан ўқувчи ёшлар
сонини ҳам ортди. 3-ўрта мактаб зо-
ки бинога жойланган бўлиб, унда
замонавий ўқув-тарбия ишлари
учун зарур шарт-шароит йўқ эди.
Биз, ота-оналар юқори партия ва
совет ташкилотларига мурожаат
қилдик. Илтимосимиз бажонидил
қабул қилинди, тез орада янги
мактаб биноси қуриш ҳақида Ўз-
бекистон ССР Министрлар Сов-
етининг махсус қарори чиқди...

Улғу доҳийимиз В. И. Лениннинг
ойибли йили муҳташам янги мак-
таб биноси келажатимиз меvasи
бўлган ёш авлодга ҳадя қилинди.
Уч қаватли иштиги синф хона-
лари кенг ва ёруғ, 640 ўринли бу
янги мактаб биноси ҳозирги кун
талабига мувофиқ қурилди. Ўқув-
тарбия ишларини кенг қўламада
олиб бориш учун барча қулайлик-
ларга эга.

Шуни ҳам айтиш керакки, Ор-
жоникидзе район халқ маорифи
бўлими раҳбарлари ҳамда мактаб
маъмурияти бу билим ўчоғини ян-
ги, ўқув қуруллари, спорт буюм-
лари ва бошқа зарур асбоб-уску-
налар билан тўла таъминлаш
учун жон куйдиришди. 4 мингга
яқин китоб фондига эга бўлган
қутубхона ташкил этилди. Мактаб
атрофи турли-туман гуллар, ме-
вали ва манзарали дарахтлар бил-
ан кўкаламзорлаштирилди. Бу
ерга келган ҳар бир ота-онанинг
кўзи қувнайди.

Мактаб маъмурияти ва ўқиту-
вчилар коллективини ҳам шу имкони-

ятлардан фойдаланиб, қисқа вақт
ичида ўқув, таълим-тарбия ишла-
рини ҳар томонлама авж олдириб
юборди.

Мактабда ёш авлоднинг насб таъ-
лиғига ўргатиш ва танлаган касби-
га меҳр-муҳаббат ҳис-туйғуларини
уйғотиш масаласига ҳам эътибор
берилмоқда. Бу соҳада илмий хо-
димлар, олимлар, ўқитувчилар
коллективига яқиндан ёрдам бе-
ришмоқда. Биз бунинг учун жо-
на-жон педагог, мактаб директори
Николай Егорович Кимнинг ҳамда
бу ишларга яқиндан ёрдам берган
област Совети депутати Эгитбе-
новнинг меҳнатларини муносиб
қадрлаймиз.

Ҳар бир ота-она ўз фарзанди-
нинг илм-маърифатли, жамият
учун фойдали киши бўлиб камол
топиши учун қайғуради. Биноба-
рин биз, мактабда ва мактабдан
ташқарида олиб борилаётган таъ-
лим-тарбия. Ўқув ишларини биз,
ота-оналарнинг қўлини етатдиган
даражада йўлга қўйилиши, учун
ҳамма шароитни яратиб берган
партия ва ҳукуматимизнинг таъ-
хўрлигидан чексиз миннатдорим.

М. РАМАЗОНОВ.

ишчи, ота-оналар комитети-
нинг аъзоси.

Н. САФИЕВ,
З. ТОЙРОВ,
қишлоқ ҳўжалик фанлари
кандидатлари, ота-оналар ко-
митетининг аъзолари.

Б. САТТОРОВ,
биология фанлари кандидати.

Д. АШИРОВ,
илмий ходим.

БАҲОР БАЙРАМИ

БИРДАМЛИК РАМЗИ

(Бош иккинчи бетда)

ОРАДАН ЯНА 15 ЙИЛ УТДИ. 1905 йил 1 майи. «Қонли якшанба» орқада қолди. Бироқ, бундай якшанбалар билан ўз ҳақини таниган ишчилар синфи, меҳнаткаш халқнинг курашини тўхтатиб бўлармиди? Йўқ, асло!

Биринчи рус революциясининг бонги бутун дунёни ларзага солган шу йили РСДРПнинг Тошкент группаси Туркистонда 1 майни биринчи бор уюшган ҳолда нишонлашга қарор қилади. Ишчиларни намоён ўтказишга чақириб варақа чиқаради. Шу кун 300 нафар ишчи Тезинов боғига тўпланиб, Тошкент ишчилари номидан бутун Россия ишчилари билан бирдамлик нэхор қилиб, 1 Майни нишонлашди.

Келаси 1906 йили эса бу кун Тошкентда янада кенг-роқ нишонланди.

Россия пролетариати Ленин ва у бошчилиги қилган партия раҳбарлигида 1917 йил октябрида ғалаба қозонгач 1918 йил 1 майни биринчи бор ғолиб синф сифатида кенг нишонлади.

Россия ишчиларининг бутун революцион тажрибаси

жаҳон пролетарларининг бирдамлигини тобора мустаҳкамлай бори. Ўша йиллари Европа, Осиё ва Америка ишчилари Россияга қилинган ҳар қандай капиталистик ҳуружга қарши қатъий норозилик билдириб, 1 Май намоёнларини Советлар билан бирдамлик шiori остида ўтказдилар. Жаҳон ҳали ҳеч қачон бундай бирдамлигини кўрмаган эди!

Ўшандан бери орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Аммо, бутун дунёдаги ишчилар синфи бирдамлиги учун кураш йил сайин минг-минглаб меҳнаткашларини ўз сафларига бириктира бори. Ишчилар синфининг капитал билан синфий жанглардаги етакчилиги кучи тобора кудратлироқ бўлмоқда. Бу курашнинг олдинги сарфларида дунёнинг 50 миллионлик коммунистлар армияси бор!

Энг дастлабки 1 Май намоёнларида бир неча юз ва бир неча минг киши қатнашган бўлса, эндиликда бу кунни дунёдаги миллионлаб меҳнаткаш аҳли кенг нишонламоқда.

Ҳа, бу кун — миллионлар учун кутлуг кун!

Илҳом СУЛТОНОВ.

ИНОБАТ Абдураимова Янгйўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номи колхозда илгор сут соғувчилардан бири. У ўз боқимидаги ҳар бир сигирдан янги беш йилликнинг дастлабки йилида 2800 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олиб астойдил меҳнат қилайти. Суратда: ўртоқ И. Абдураимова.

А. Тўраев фотоси.

ШАХДАМ ОДИМЛАР

Қўм-қўм, ўт-ўланлар кенг водиларга ўзгача ҳус ва файз бахш этган. Шу дамларни орқиб кутган деҳқон бутун беподоб далалар қўнида. Чор атрофдан тракторларнинг ҳайқирини, қўй-қўзларнинг матаргани, турли-туман, қушларнинг навоси эшитилди. Далаларга ҳузур ва сурур бахш этди, ишга, меҳнатга чорлайди.

Ҳар йилги баҳоримиз шундай келади. Кишиларга завоқ шавқ бағишлайди. Ленин, бу йилги баҳоримиз ўзгача. Шонли партиянинг тарихий XXIV съезди қарорлари, беш йиллик план Директиваларидан руҳланган халқимиз қувончи чекмас. Қўнлар қатори бизнинг колхозимиз аъзолари ҳам янги беш йилликнинг биринчи баҳоридан янги марраларни эгаллаш учун астойдил интиломоқдалар.

Ўтган юбилей йилида колхозчи-деҳқонларимиз аъло даражада ишлаб, йилни ғалаба билан якунладилар. Бу йил эса бутун дунёда ҳам яхшироқ, ишлашга, ишчи босқинларга кўтарилш учун бел боғлаганлар.

Хўжалигимизда янги беш йиллик плани тузилган. Колхозчиларимиз шу плани тўрт-хўрт ярим йилда бажарамиз, демоқдалар. Агар беш йилликнинг биринчи йилида 3530 тонна пахта етиштиришимиз лозим бўлса, колхозчиларимиз бунга 4000 тонна қилиб бажаришга аҳд қилдилар. Албатта, холва деган билан оғиз чучимайди. Бу мақсадга етиш учун қўнларга қўнмича тадбирлар амалга оширилмоқда.

Масалан, бултўр 83 гектар ерга 90х20 схемасида кенг қаторлаб чигит экилган эди. Шу ерлардан 27 ўрнига 33,5 центнердан ҳосил олинди. Бу йил 160 гектар ерга кенг қаторлаб чигит экилди. Сўнгра, чигит билан зарарланган 170 гектар ерда «Тошкент-3» навал пахта етирилди.

Пахта майдонини яхши текислаш — ҳосилдорлигини оширишда катта аҳамиятга эга. Чунки яхши текисланган ерлардаги ғўза суғориш вақтида нобуд бўлмайди. Бир текис сув йечади. Сўнгра тракторини бир меёрда ишлашга ҳам қулай бўлади. Шу сабабли чигит экишдан олдин 400 гектар ер механизмлар ёрдами билан яхши текисланди.

1314 гектар пахта майдонининг ҳаммасига бир ҳафтада чигит экиб олинди.

Чигит экишдан олдин ерларнинг мелiorатив аҳволини яхшилаш мақсадида 8 километрли зовур тезаланди. Тўла гектар ҳосил қилиш учун уватлар ҳисобига 5 гектар ер қўшилди. 40 гектар ердаги эски бедозор бузилиб, чигит экилди.

Ҳаёт пахтакорларимиз эмас, чорвадорларимиз ҳам ўз соҳаларида бурилиш ясаш учун интиломоқдалар. Сутчилик фермасини механизациялаштириш учун катта иш бошланди. 212 бош ситир учун янги ситирхона қурилди. Сут блони, автокнал ўрнатиляпти. Сигирлар «ДТ-3» аппарати билан соғилди.

Чорвадорларимиз 1 қварталда 42 ўрнига 48 тонна сут, 15 ўрнига 16 тонна гўшт, 9 минг ўрнига 17 минг дона туҳум сотдилар. Чорвадорларимиз 35 гектар ерга беда билан макка, 2 гектар судан ўти, 20 гектар ерга маккалавлаги, 16 гектар ерга жовдлар экидлар. Бултўр чорва учун 66 гектар ерга экин қилинган бўлса, бу йил 108 гектар ерда ем-хашак етиштирилляпти.

Мана шуларнинг ўзи — бу йилги баҳор байрамининг колхозчиларимиз кўтарини руҳ билан кутиб олаётганлари, янги беш йиллик вазифаларини бажаришга астойдил киришганларини кўрсатади.

Байрамлариниз муборак бўлсин, азиз ўртоқлар!

А. ҚАШИШБОВ,
Ўрта Чирчиқ районидаги
Қўйишев номи колхоз
раиси.

МАГАЗИНГА ФАХРИЙ ЁРЛИҚ

Май байрами арафасида пойтахтнинг 12-магазин-фирма коллективининг қалби яна бир қувонч билан тўлди. Уларга СССР Садо министрининг ва давлат совдоси ҳамда натаубот кооперацияси ходимлари насаба союзлари Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиги топширилди.

Ўтган йили Иттифоқимизнинг барча савдо шохбчалари ҳамда умумий оқатланиш корхоналарида савдо маданиятини янада ошириш юзасидан ўзаро социалистик мусобақа шартлари эълон қилинган эди. Бу мусобақага 12-магазин-фирма коллективи ҳам қўшилиб бир таълай нобратли тадбирларни амалга оширди. Харидорлар конференциялари ўтказилди, вистакалар уюштирилди, витриналарини бешининг самарали формалари қўлланди. Шу бондан ҳам савдо обороти ошиб харидорларга хизмат кўрсатиш маданияти янада юксалди.

Магазин ходимлари ўз меҳнатларининг бунчалик қадрланганлигидан беҳад мамундирлар. Улар ҳозир савдонинг яна бир қатор прогрессив формаларини жорий этмоқдалар. Ҳозир бу ерда ўз-ўзига хизмат кенг қўлланиляпти. Бу тадбирлар савдо обороти плагини муттасил юксалтиришга ёрдам берадиги.

АССАЛОМ

Ассалом, Май, кутлуг айём.
Баҳор жилваси,
Бахтга тўлган ёшларнинг
Кўрки, шиваси,
Шўх-шўх ўйнаб борлиқ узра
Сабо елади,
Элим бўйлаб шод диллардан
Наво келади.
Майдонлардан қўнқ оқар,
Сафлар шод, хуррам,
Майин кўтлаб зафарлардан
Бонг урар ўзлаб.

Мастура МУҲАМЕДОВА.

СУТ ЧАШМАСИ

Бу совхоз чорвадорлари КПСС XXIV съезди қарорларида ва халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг беш йиллик планни Директиваларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун меҳнат вахтасида турли ишларни амалга оширилди. Улар бу йил 220 бош ситирнинг ҳар биридан ўртача 2000 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилдилар. Илгор сут соғувчилардан Ш. Хусанова ҳар бош ситирдан ўртача 2500 килограммдан сут соғиб олишга аҳд қилди.

Бу ерда чорвачиликни механизациялашга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилмоқда. Сигирхонада қўз кучи билан бажариладиган ишларни механизациялаштириш бошланди. Бу тадбир тўла амалга ошган, 120 бош ситирнинг машина билан соғиш имкони яратилди. Янги тиндаги молхонада ҳар бир ситирга алоҳида жой ажратилди, ситирхонани тозалаш, хашак солиш механизациялаштирилди. Фермадан то натта йўлга бўлган 2 километрли йўлча шағал ётирилди.

Т. ХУШНАЗАРОВ,
Писент районидан «Олмалик» совхоз.

ФАРЗАНДЛАРИМИЗ

УЧУН

Ўғил-қизларга мактаб кучоғида касб-хунар ўргатишга ҳавас уйғотиш маориф ходимларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолди. Шу мақсадда мактабларда корхоналар ёрдами билан касб-хунар ўргатиш комбинатлари ташкил этилмоқда.

Тошкентдаги 21-мактабда ҳам ана шундай корхона очилган қарор қилинди. Билим ўчоғи педагогик коллективини оталик корхонанинг бевосита ишчи-руҳиди ўқувчиларга фойдали ҳунар ўргатиш юзасидан қатор тадбирларни белгилади.

Шу билан бирга «Ким бўлсам экан?», «Касбим — фахрим», «Ишчи касби — шарофли касб» деган мавзуларда савдо-мавоб кечалари ўтказилмоқда. Бу тадбирлар ёшларда касб танлашга бўлган қизиқишни орттирайтири.

САМАРАДОР

ТАДҚИҚОТЛАР

Иттифоқ бўйича ягона ҳисобланган пахта саноати марказий илмий-техники институт лабораторияларида қатор тадқиқотлар олиб бориламоқда. Хусусан, тажриба-лаборатория ишлари қўлави кенгайиб кетди.

Тадқиқот самарадорлигини ошириш мақсадида бу ерда илмий муассасанинг тажриба базаси яна кенгайтирилди: тажриба-лаборатория корпуси қурилади.

Бу тадбир институтда яратилган машина ва асбоб-ускуналар тажриба намуналарини тайёрлашни тезлаштириш имкони беради.

Пахтачилик саноатида ишлаб чиқаришнинг ҳосил қилиш ва унинг сифатини яхшилаш мақсадида ҳам янги лаборатория очилш кўзда тутилди.

ГЎЗАЛСАН, КЎРКАМСАН

(Л А В Ҳ А)

Баҳор, серишва, сериоз, дилрабо баҳор!

Шу азиз, ҳар дилга пайванд, бамисоли қўнқидан сўзининг олам-оламча мазмун бор. Баҳор — умрининг тўрт фаслининг асли. Ҳўшнинг ёшлигининг у навқиронлигининг, бахтиёрлигининг, у, тотли орзуларининг, бундан ҳам азиз, бундан ҳам шодон келажакимизнинг қўнқили тоғини-ю, тинч-фаровон ҳаётининг... Ҳамма-ҳаммаси билан ҳамона, эгизак баҳор!

Баҳор белларга қувват, қўзларга кўр, кўнқидан шодлик бағишлайди. У ижод сурурига, меҳнат кучига, зафар наидасига чорлайди. Станок ёнида мардона турган ишчи, далалар жамолини очётган деҳқон, янги кашфиёт бунёд этаётган олим... Ҳамма баҳор таронасида илҳом эмади, завоқ-шавқ эмади.

Меҳнат ва ижод байрами, тинчлик ва шодлик байрами, мустаҳкам дўстлик, бирдамлик байрами — Май тонги ана шу баҳор фасли билан, фаслар асли билан уйғунлашиб келди. Улур партиянинг улкан анжумани тузган порлоқ истиқбол чўққиларига, қамолат чўққиларига чорлаб келди. Жонажон деярли ҳусни-жамолни яна минг бор очилиб, қамолга ўз қамол қўшилгандай, тағин ҳам нурафшон тортиб кетди.

Шу баҳор тонги — Май тонгида шаҳар сингари обод қишлоқларимиз кўнқига, туркираб яшайётган, кўш жилосида барқ ураётган беподоб далаларимиз чиройига, ҳар қачонидан мўл, ширин-шарбат ноз-неъматлардан дарак бераётган боғ-роғларимиз жамолига боқадимиз сайин боқинг келадим.

«Оқ олтин» ишчида астойдил енг шимариб, далаларни қўлф урдирётган миришкорлар, «фўлат от»лар жилловини дадил тутган баҳодирлар, аҳди маҳкам чорвадорлар, ғаллакорлар, қўн гуз-у, диди баланд соҳибкорлар сени ўз сафларига, кенг қанотларини остига чорлайди. Нақадар файзли, нақадар дилбар баҳор тонги!

Мана қўз ўғиниғида ана шундай обод, сулим, навиқор қишлоқлардан бири. Мусаффо, тинч кўк юзи олтин тут қадаб, борлигини нурга ўради. Кенг, раван кўчалар шу тонг бўзар-гайдоқ одамлар билан тавжжум, Ҳамма-ҳаммаси кўнқидан қувват, чехралар гулгуни. Май таровати — баҳор сурури улар ҳамдани. Ҳашаматли клуб пентонидан-радиокорнайл а р и д а дилрабо қўнқилар қанот қоқиб, парвоз этади. Юракларда ажиб ҳис уйғотиб, байрам файзига ўзгача файз қўшади.

Бўйи-лариди долларанг галстуклар қилтираган қишлоқ фарзандлари — пионерлар, келажак ворислари юраги ўзгача орзу, ўзгача туйғу, жонажон Ватанга садоқат туйғуларини билан тепади. Эрта баҳордан она-ерга мўл ҳосил уруғини қадаб,

ғўза майсаларини меҳр-муҳаббат билан парвариш қилишга киришган. Эртаги тоғ-тоғ «оқ олтин» хирмони бунёдкорлари бўлган миришкорлар шу тонгда меҳнат гаштини суришадим.

Бутун Шодибек Давлатбеков, Ҳайбат Арслонов, Матаси Қованов сингари қалби «оқ олтин» ширини билан ёнган ўзлаб асл деҳқонларнинг руҳлари тетик, қадимлар шаддам. Улар ўтган йилги ҳар гектар ердан ўттиз-ўттиз беш центнердан хирмон кўтариб, улур доҳий Ленин юбилей йилида Ватанга муносиб совға тайёрлаган кишилар.

Шу Май тонгида уларнинг пахта пайкаларида бўлсангиз, кўнқилиғиз ҳушуд тортиб кетадим. Бир текис унуб, қўм-қўк лентадан саф торган ғўза майсалари қўзларга ором бағишлайди. Кечатгина универсаллар бетининг ҳайқириб, қатор оралари тинч малҳамдек юмшатиб қўйган. Эртароқ кўкка буй чўзини, деб жуякларга шилдириб сув таралган.

Қишлоқ врачлари, ўқитувчилари, инженер-техниклари орасида «фўлат от» чавадозларини учратасиз. Улар билан қўнқилиб, дала соҳибларига меҳр-муҳаббатининг ортаси. Исмон Муртозоев, Қўрбоналиев, Муртозоев, Турсун Ёқубов, Сайди Саломовлар шу қишлоқнинг ифтихорлари. Улар — ўтган йили ўз «сангори» кема-ларини бункерларидан эл-юрт хирмонига тоғна-тоғналаб «оқ олтин» тўқсан чинакам шер йиғитлар. Улар — дала тваридиачилари — эвено бошлиқлари, бу йил ҳар гектаридадан қирқ-қирқ беш центнердан хирмон кўтариш иштиёқи билан далаларда жавлон ураётган азаматлар.

Шундай! Қишлоқ йилдан-йилга обод бўлиб, файзига файз қўшилиб чирой очмоқда. Бу чиройни ўз жонажон қишлоқларини севган, унга фарзанддай меҳр қўйган жонқур кишилар бахш этмоқда. Ўтган йили «Октябрь» 40 йиллиги колхозда гектаридадан ўттиз уч центнердан, Тимирязев номи колхозда йигирма саккиз, «Коммунизм» колхозда йигирма етти центнердан пахта олинди. Эл-юрт бойлиги учун тўқилган пешона тери дур бўлиб қолди. Бу фаровонлик деган сўз, чаргонлик деган сўз, чинакам маданий ҳаёт деган сўз.

Уч колхозини бириктирган Киров номи қишлоқ Совети миришкорлари, чорвадорлари, ғаллакор-у, соҳибкорлари янги беш йилликнинг биринчи йилида олижаноб мақсад йўлидан дадил қадам ташлаб боришяпти.

Баҳор тонги меҳнат кучоғига, улкан зафарлар нашидасига чорламоқда!

Усмон ЖОНГИТОВ,
Бўка, Киров номи қишлоқ
Совети.



